

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

НУСРАТОВ УМИД ГОЛИБОВИЧ

**БУЙРАК ФУНКЦИЯСИ БУЗИЛИШИГА ҚАРАБ 2-ТОИФА
ДИАБЕТЛИ БЕМОРЛАРДА ОЛИБ ҚЎЙИЛАДИГАН ТИШ
ПРОТЕЗЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2021

УДК: 616.314.2;616.31-0;611.611; 616.379

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Нусратов Умид Голибович

Буйрак фаолияти бузилишига қараб 2-тоифадаги қандли диабетли беморларда олиб қўйиладиган тиш протезлари хусусияти.....3

Нусратов Умид Голибович

Особенности съемного протезирования у больных с сахарным диабетом 2-го типа в зависимости от нарушения функции почек.....23

Nusratov Umid Golibovich

Features of removable prosthetics in patients with type 2 diabetes mellitus depending on renal dysfunction.....45

Список опубликованных работ

Эълон қилинган ишлар рўйхати
List of published scientific works.....49

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

НУСРАТОВ УМИД ГОЛИБОВИЧ

**БУЙРАК ФУНКЦИЯСИ БУЗИЛИШИГА ҚАРАБ 2-ТОИФА
ДИАБЕТЛИ БЕМОРЛАРДА ОЛИБ ҚЎЙИЛАДИГАН ТИШ
ПРОТЕЗЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Tib1245 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Бухоро давлат тиббиёт институти ва Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net/uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Хабиллов Нигмон Лукмонович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Жолудев Сергей Егорович
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси).

Шукурова Умида Абдурасуловна
тиббиёт фанлари доктори.

Ётақчи ташкилот

Биринчи Санкт-Петербург Давлат Тиббиёт
Университети
(Россия Федерацияси).

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «29» июл кунин соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шох кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50, тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишни мумкин (028 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шох кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50).

Диссертация автореферати 2021 йил «14» июл кунин тарқатилди.
(2021 йил «14» июл даги 23 рақамли реестр баённомаси)



[Handwritten signatures in blue ink]

А.Ш. Иноятгов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Н. Ачилова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD)

Н.А. Пуралиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Ҳозирги кунда планетамиз аҳолиси тиббий-ижтимоий ҳамда иқтисодий аҳамиятга эга сурункали ноинфекцион касалликларнинг глобал муаммосига дуч келди. Мутахассисларни таъкидлашча “...буйракнинг сурункали касалликларига эга 2-типдаги қандли диабет билан касалланган беморлар оғиз бўшлиғида касалликлар ривожланиш хавфи бўлган гуруҳга кириши”¹ белгиланган. Стоматологик саломатликнинг паст даражаси нефрологик беморларда асоратлар пайдо бўлишига олиб келади. Бугунг кунда қандли диабетли касалларни даволаш самарадорлиги ва прогнозини яхшилаш, шу билан бирга уларда буйраклар функцияси бузилишини олдини олиш учун мазкур беморларда хавф омиллари – одонтоген инфекция ўчоқларини бартараф қилиш зарур. Шунинг учун 2-типдаги қандли диабетнинг сурункали буйрак хасталигига эга беморлар учун стоматологик реабилитация катта аҳамиятга эга бўлади.

Жаҳон миқёсида 2-типдаги қандли диабетнинг сурункали буйрак хасталиги билан асоратланган беморларни диагностика қилиш, даволаш, профилактика ва реабилитация қилиш, бундан ташқари мазкур тоифадаги беморларга ортопедик стоматологик ёрдам кўрсатиш усуларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда ва стоматологик реабилитация масалалари муваффақият билан ечилаётган муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Кўплаб мамлакатларнинг тадқиқотчилари “...2-типдаги қандли диабетнинг буйрак функцияси бузилган беморлар кўпроқ балоғат ёшидаги меҳнатга лаёқатли шахслар ўртасида учраётганлигини таъкидлашмоқда...”². Аммо ҳозиргача жаҳонда 2-типдаги қандли диабетнинг сурункали буйрак хасталиги билан асоратланган беморларнинг руҳий ҳолати, стоматологик санацияга мотивация даражаси, стоматологик касалланиш ҳамда асосий касалликни даволаш босқичларида унинг тузилиши, стоматологик хавф омилларини баҳолашга услубий ёндашувлар ҳамда стоматологик даволаш алгоритми тўлиқ ишлаб чиқилмаган.

Мамлакатимизда бугунги кунда аҳолига юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, 2-типдаги қандли диабетнинг сурункали буйрак хасталиги билан асоратланган беморларга ортопедик стоматологик ёрдам кўрсатиш, улардан асоратлар, ногиронлик ва ўлим ҳолатларини камайтириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Бу борада 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида “...аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш, соғломлаштириш, бирламчи бўгин тиббиёт муассасалари ҳамда тезкор тиббий ёрдамнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болаликни сақлаш сифатини ошириш...”³ каби вазифалар белгиланган.

¹ Бельских О.А., Тишков Д.С. Особенности функционирования слизистой оболочки полости рта и языка при хронических заболеваниях почек, кишечника и эндокринной патологии «Человек и его здоровье». 2015. №4. -97-106 ст.

² Вербовой А.Ф., Шаронова Л.А., Буракшаев С.А., Котельникова Е.В. “Изменения кожи и слизистой полости рта при сахарном диабете и их профилактика” *Медицинский совет*. 2017;3.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 июлдаги ПҚ-3846-сон қарори “Ўзбекистон Республикаси аҳолига нефрология ва гемодиализ ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора тадбирлари тўғрисида”.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқот ишининг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларига мослиги. Мазкур иш Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларига мувофиқ бажарилган VI. “Тиббиёт ва фармакология”.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бутун дунёда 2-типдаги қандли диабет (ҚД) ва сурункали буйрак касалликларининг (СБК) тарқалганлиги ўсиб бормоқда, бу мазкур тоифа беморлар орасида ногиронлик ва ўлим ҳолатларининг ортишига олиб келган (Белских О.А., 2018; Агранович Н.В., Теунаева, 2019). СБК тор ихтисосликдаги, “нефрологик” муаммо эмас, у нафақат эндокринологлар, нефрологлар, балки бошқа тиббиёт мутахассислари, шу жумладан стоматологларнинг ҳаракатларини ҳам талаб қилувчи бутун тиббиётнинг муаммоси эканлигини таъкидлаш лозим (De Portu S. et al., 2018). СБК асоратларидан ҳар йили РФ да яшовчи ўн минглаб бемор вафот этиши (Мухин Н.А., 2010), бу нуқсонлар сабабли меҳнатга лаёқатли ёшдаги 41,5 минг киши ногирон бўлиши аниқланган (Томилина Н.А., 2008; Шилов Е.М., 2011).

Мамлакатимизда мос келувчи диспансерларда рўйхатга олинган ҚД га эга беморлар сони 245 мингдан ортиқ кишини ташкил қилади, улардан 185 336 киши 2-типдаги ҚД дан азият чекади. Тадқиқотлар билан, уларнинг ярми буйраклар функциясининг бузилиши билан кечадиган ёндош касалликлардан азият чекиши кузатилган. 2-типдаги ҚД нинг 40% гача ҳолатда диабетик нефропатия ривожланади, бу буйрак танқислигининг терминал босқичига олиб келади (Сигитова О.Н., 2011).

Ўтказилган тадқиқотлар билан, ҳозирги кунда 2-типдаги ҚД нинг СБК билан асоратланган беморларни даволаш нафақат замонавий эндокринологиянинг, балки стоматологиянинг асосий муаммоларидан бири ҳисобланиши исботланган (Галимова А.З., 2012). 2-типдаги ҚД нинг СБК билан асоратланишидан азият чекувчи беморларнинг оғиз бўшлиғида атрофик жараёнлар ва патологик ҳолатлар ривожланиши уларнинг оғиз бўшлиғида ўтказиладиган ортопедик амалиётларга мослашувини қийинлаштиради. Мазкур факт нафақат стоматологик саломатликнинг йўқолишини акс эттиради, балки беморнинг ҳаёт сифатига таъсир қилади (Сигитова О.Н., 2011).

Ортопедик стоматологияда даволаш доим ҳам 2-типдаги ҚДнинг СБК билан асоратланган беморларда самарали эмаслиги аниқланган. Тўлиқ ёки

қисман олиб қўйиладиган пластик тиш протезлардан фойдаланишда асоратлар частотасини камайтириш учун 2-типдаги ҚДнинг СБК билан асоратланган беморларда мослашув даври давомида оғиз бўшлиғи микроб таркибининг сифати ва микдорининг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек махсус бўлмаган резистентликнинг маҳаллий омиллари ҳолатини эътиборга олиш зарур. Шундан келиб чиқиб, бу беморларнинг ушбу контингентда протезларга узоқ мослашув ва асоратларнинг кескинлашувига олиб келиши мумкин.

Бироқ, СБК га эга беморларнинг руҳий ҳолати, стоматологик санацаяга мотивация даражаси, 2-типдаги ҚДнинг СБК билан асоратланган беморларни даволаш босқичларида стоматологик касалланиш даражаси ҳамда унинг тузилиши тўлиқ ўрганилмаган. Беморларнинг мазкур тоифасида стоматологик хавф омилларини баҳолашга услубий ёндашувлар, стоматологик даволаш алгоритмлари охиригача ишлаб чиқилмаган. Эндокрин, ренал тизим ва оғиз бўшлиғида уйғунлашган патологиялар шароитида тизимлараро ёндашув мукамал эмас. 2-типдаги ҚДнинг СБК билан асоратланган беморларни стоматологик реабилитация қилиш тамойиллари ишлаб чиқилмаган. Келтирилган фактлар стоматологиянинг мазкур соҳасида тадқиқотлар ўтказишнинг долзарблигини исботлайди.

Диссертация тадқиқотининг бажарилган олий таълим муассасасидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация иши Бухоро давлат тиббиёт институтида “Бухоро минтақасида патология олди ва патологик ҳолатларни эрта аниқлаш, даволаш ва профилактика қилиш бўйича янги ёндашувларни ишлаб чиқиш” илмий-тадқиқот ишларининг режаси (02.2020.PhD.87) асосида бажарилган (2017-2020-йиллар).

Тадқиқотнинг мақсади 2-типдаги қандли диабетнинг буйрак фаолиятининг бузилишига боғлиқ равишда беморларда стоматологик ҳолатни комплекс баҳолаш, олиб қўйиладиган тиш протезлари хусусиятларини аниқлаган ҳолда стоматологик реабилитация чораларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

2-типдаги қандли диабетнинг сурункали буйрак касаллиги билан асоратланган беморларни оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг патологик ўзгаришини аниқлаш;

2-типдаги қандли диабетнинг сурункали буйрак касаллиги билан асоратланган беморларда оғиз бўшлиғи химоя омиллари ва микроб пейзажини аниқлаш;

2-типдаги қандли диабетнинг сурункали буйрак хасталиги билан асоратланган беморларда оғиз бўшлиғи микроциркуляциясини баҳолаш;

2-типдаги қандли диабетнинг сурункали буйрак касаллиги билан асоратланган беморларни олиб қўйиладиган пластинкали тиш протезлари билан протезлашдан олдин ва кейинги даво самарасини солиштирма баҳолаш;

Тадқиқотнинг объекти. Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази, Бухоро давлат тиббиёт институти стоматология маркази ҳамда

Тошкент давлат стоматология институти базасида 2-типтаги ҚДнинг СБК билан асоратланган ва асоратланмаган 102 нафар беморлар, шунингдек ҚД ва СБК ташҳиси қўйилмаган 30 нафар соғлом шахслар киритилган (назорат гуруҳи).

Тадқиқотнинг предмети. Стоматоскопия, анкеталаш, оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг лазер доплер флоуметрия таҳлили натижалари, денситометрия кўрсаткичлари, оғиз бўшлиғида микробиоценоз ҳамда махсус бўлмаган резистентлик параметрлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Рентген-денситометрик, лазер доплер флоуметрик, тиббий-ижтимоий, иммунологик, микробиологик, статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагидан иборат:

2-типтаги қандли диабет тасдиқланган беморларда оғиз бўшлиғи касалликлари намоён бўлиш частотаси буйрак функцияси бузилиши кўринишидаги буйрак етишмовчилиги (олигурия) каби асоратлар мавжудлигига боғлиқлиги исботланган;

2-типтаги қандли диабетнинг сурункали буйрак касаллиги билан асоратланган беморларнинг оғиз бўшлиғида маҳаллий иммун тизим параметрлари лизоцим ва секретор иммунаглобулин А ишонarli пасайиши аниқланган;

2-типтаги қандли диабетнинг сурункали буйрак касаллиги билан асоратланган беморларда оғиз бўшлиғи микрофлораси миқдор ва сифат таркиби, дисбиоз даражаси касаллик кечишига боғлиқлиги аниқланган;

2-типтаги қандли диабетнинг сурункали буйрак хасталиги билан асоратланган беморларда оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватида микроциркулятор қон оқимининг регрессиз ўзгаришлари рўй бериши исботланган;

2-типтаги қандли диабетнинг сурункали буйрак хасталиги билан асоратланган беморларни жағлари алвеоляр ўсиқларида суяк тўқимаси зичлигининг касаллик кечишига боғлиқлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

2-типтаги қандли диабет кузатилган беморларнинг оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватида микроциркулятор қон оқимининг буйраклар фаолияти бузилишига боғлиқ равишда хусусиятларини баҳолашнинг аҳамияти олиб қўйиладиган пластиналар тиш протезлари билан протезлашни оптималлаштириш учун лазер доплер флоуметрия усули қўлланилиши ишлаб чиқилган;

2-типтаги қандли диабетнинг сурункали буйрак хасталиги билан асоратланган беморларда асоратлар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини ҳисобга олиб, жағларда алвеоляр ўсиқлар суяк зичлиги бузилишининг асоратини аниқлаш ва ортопедик даволашга тактик ёндашувларни оптималлаштириш имконини берувчи рентген-денситометрия қўллаш учун асосий кўрсатмалар мувофиқлаштирилган;

2-типтаги қандли диабет кузатилган беморлар оғиз бўшлиғида буйраклар фаолиятининг бузилиши мавжудлигига боғлиқ равишда, ортопедик даволаш самарадорлигини ошириш учун оғиз микробиоценози

ҳамда махсус бўлмаган химоя омилларини аниқлашнинг аҳамияти баҳоланган;

солиштириш нуктаи назаридан 2-типдаги қандли диабетнинг буйраклар фаолияти бузилишининг асоратланган ёки асоратланмаганлиги фонида кечадиган оғиз бўшлиғи касалликларида ишлаб чиқилган комплекс даволашни қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги ва самарадорлиги баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва методлар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мослиги, ўтказилган тадқиқотларнинг услубий тўғрилиги, беморларнинг етарли миқдори, статистик текширув методлари ёрдамида қайта ишлаш, шунингдек тадқиқот натижаларининг чет эл ҳамда мамлакатимизда олинган маълумотлар билан таққосланиши, ваколатли тузилмалар томонидан чиқарилган хулоса ва олинган натижаларнинг тасдиқланиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қандли диабетнинг сурункали буйрак касаллиги билан асоратланган беморларда оғиз бўшлиғида касаллик клиник кўринишлари намоён бўлиш частотаси билан исботлаганлиги, оғиз бўшлиғида маҳаллий иммун тизими заифлашуви хусусиятлари аниқланганлиги, оғиз бўшлиғи микрофлораси миқдор ва сифат таркибининг касаллик кечишига боғлиқлиги кузатилганлиги, оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватида микроциркулятор кон оқими регрессив ўзгаришлари, шунингдек 2-типдаги қандли диабетнинг сурункали буйрак хасталиклари билан асоратланган беморлар жағида алвеоляр ўсиқ суяк тўқимасининг зичлигига боғлиқлиги исботланганлигидан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижалар асоратлар сонини қисқартириш, 2-типдаги қандли диабетга эга бўлган беморларда протезлардан узоқ вақт фойдаланилган даврда буйраклар функцияси бузилишига боғлиқ тарзда қисман ва тўлиқ олиб қўйиладиган пластиналар тиш протезлари билан протезлашни режалаштириш, ўтказишда мослашувни тезлаштириш ва яхшилаш имконини бериши, шунингдек мазкур нуқсонларга эга беморларга стоматологик ёрдам ва ижтимоий мослашувни яхшиланишига олиб келишидан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Буйрак функциясининг бузилишига қараб 2-типдаги қандли диабет кузатилган беморларга ортопедик стоматологик ёрдам кўрсатиш бўйича олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

Беморларда стоматологик хизматни яхшилаш имконини берувчи “Сурункали буйрак касаллиги билан касалланган қандли диабетнинг иккинчи турига чалинган беморларда тиш касалликларининг хусусиятлари” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 23 ноябрдаги 8н-р/452-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ушбу беморларда тиш протезлаш методикаси ва мослашувини яхшилаш имконини яратган.

Стоматологик касалликлар олдини олишга замин яратувчи “2-тоифа диабет билан касалланган беморларда оғиз бўшлиғи ҳолатини баҳолаш усулини такомиллаштириш” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 23 ноябрдаги 8н-р/452-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ушбу беморларда стоматологик касалликлар учраши ва уларнинг стоматологик ҳолатига баҳо бериш имконини берган.

Буйрак функциясининг бузилишига қараб 2-типдаги қандли диабет кузатилган беморларга ортопедик стоматологик ёрдам кўрсатиш бўйича олиб борилган тадқиқотдан олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан, Жондор, Ромитан, Гиждувон, Вобкент район стоматология поликлиникаларига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 8 январдаги № 8 н-з/9-сон маълумотномаси). Натижада диагностика ва даволашнинг янги усуллари қўллаш йўли билан тиббий ёрдам самарадорлигини оширилишига, касаллик асоратларини камайтириш, ҳамда беморларнинг амбулатор даволаниш муддатларини қисқартириш ҳисобига иқтисодий самарадорликни ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг натижалари бўйича 3 та илмий-амалий конференцияларда маъруза қилинган ва муҳокама қилинган, шу жумладан 2 халқаро ва 1 республика конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертация ҳажми 116 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ТАРКИБИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотларнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари берилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритилган, маълумотларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, чоп этилган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Буйракларнинг сурункали касаллиги кузатилган қандли диабетли беморлар оғиз бўшлиғи ҳолатининг тиббий-ижтимоий муаммолари”** биринчи бобида диссертациянинг танланган мавзуси бўйича чет эл ва мамлакатимиз тадқиқотчиларининг илмий тадқиқотлари натижалари таҳлил қилинган. ҚДнинг СБК билан асоратланиши тарқалганлиги, кечуви, патогенези, клиник кўринишлари, касалликни

даволаниши ва якунининг ўзига хос хусусиятлари, СБК билан ҚДда пародонтда яллиғланиш шикастланишларининг ривожланиши, мазкур патологияда оғиз бўшлиғида иммун, суяк тизими ва микробиоценознинг ҳолати таърифланган. Бундан ташқари СБК билан ҚД кузатилган беморларда ОБШҚ патологияларини маҳаллий даволаш учун асосий дори препаратлари келтирилган.

Диссертациянинг **“Клиник материалнинг характеристикаси ва қўлланилган тадқиқот усуллари”** иккинчи бобида тадқиқот учун жалб қилинган ҚДнинг СБК билан асоратланган ва асоратланмаган беморлар ҳамда соғлом шахсларнинг умумий характеристикаси келтирилган.

Тадқиқотга 2-типтаги ҚДнинг СБК билан асоратланган ва асоратланмаган 102 нафар катта ёшли бемор, шунингдек қандли диабет ва буйраклар хасталиклари ташҳиси қўйилмаган 30 нафар соғлом шахс киритилган (назорат гуруҳи). Беморлар қисман ёки тўлиқ иккиламчи адентияга эга бўлган, беморлар орасида 54 (52,9%) нафар эркак, 48 (47,1%) нафар аёл бўлган. Назорат гуруҳига киритилган соғлом шахслар орасида 17 нафари (56,7%) эркак, 13 нафари эса (43,3%) аёллар бўлган. Ташхислар ЖССТ нинг (1999) клиник ва лаборатор мезонларига мувофиқ тарзда 10-қайта кўриб чиқилган. Касалликларнинг Халқаро Таснифи асосида шифокор-эндокринологлар ва нефрологлар томонидан верификация қилинган. Барча тадқиқотлар Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази, Бухоро давлат тиббиёт институти стоматология маркази ҳамда Тошкент давлат стоматология институти базасида ўтказилган.

Барча текширилувчилар уч гуруҳга ажратилган:

- биринчи гуруҳни 2-типтаги ҚДнинг СБК билан асоратланмаган беморлар ташкил қилган (n=52);
- иккинчи гуруҳни 2-типтаги ҚДнинг СБК билан асоратланган беморлар ташкил қилган (n=50);
- назорат гуруҳини 2-типтаги ҚД ва СБК ташҳиси қўйилмаган соғлом шахслар ташкил қилган (n=30).

Беморларга протезлашдан сўнг оғиз бўшлиғи шиллик қавати (ОБШҚ) хоссаларини яхшилаш, яллиғланиш аломатларини камайтириш ва протезларнинг тез мослашишини ташкил қилиш мақсадида антисептик хоссага эга “ЛОРОБЕН” аралашмаси маҳаллий қўлланилган. Шунингдек иккала текшириладиган гуруҳдаги беморлар 20 кун давомида кунига 3 маҳал 50 мг дан ўрта терапевтик дозада дипиридамол қабул қилишган.

ОБШҚ шиллик қаватининг ҳолатини баҳолаш учун рандомизацияланган турли ёш гуруҳидаги беморлар ОБШҚ ва лабларнинг морфо-функционал ҳолати ҳамда уларда инволютив жараёнлар ҳақида комплекс тасаввур ҳосил қилиш мақсадида текширилган.

Тадқиқот давомида оғиз бўшлиғи ҳолати тўғрисида маълумотлар олиш учун беморларда сўровнома ва стоматологик текширув ўтказилган, беморларнинг амбулатор карталаридан маълумотлар эътиборга олинган.

Юқори ва пастки жағда тишларнинг қисман ва тўлиқ йўқлиги нуқсонини ўрнини босиш учун қисман ва тўлиқ олиб қўйиладиган пластиналар тиш протезлари билан даволаш варианты таклиф қилинган, бунда асосий

Ўрганилаётган гуруҳлардаги беморлар ўзининг асосий касаллиги ва фармакологик препаратларга харажатлари туфайли иктисодий кучсиз эканлиги, тиш имплантантлари билан даволаш методи ўзининг нисбатан қиммат харажатлари туфайли истисно қилинганлигига асосланган.

Клиник-гигиеник текширув ва стоматоскопия. Клиник-гигиеник текширувга ҳаёт, касаллик анамнезини ўрганиш, беморнинг умумий ва локал стоматологик ҳолати кирган. Стоматологик текширув ОБШҚ кўригини ўз ичига олган.

Сўровнома бошдан кечирилган, ёндош касалликлар ва ушбу касалликнинг анамнезини кўрсатган ҳолда ҳаёт анамнезидан бошланган. Беморнинг шикоятлари, мурожаатнинг сабаби, чайнаш ва нутқ фаолиятининг бузилиши, эстетиканинг бузилишига алоҳида эътибор қаратилган. Сўровномада тишлар йўқотилган вақт ва унинг сабаби, текширилувчилар тиш протезларидан фойдаланганлиги, қандай протезлардан ва қанча вақт давомида фойдаланганлиги аниқланган. Тиш протезларидан фойдаланишган ҳолатда уларнинг яроқлилиги ва гигиеник ҳолати аниқланган.

Ташқи кўрикда юзда тери қопламаларининг ҳолати кузатилган, эстетик меъёр бузилишлари, юзнинг юқори, ўрта ва пастки қисмларининг пропорционалиги, асимметрия мавжудлиги, бурун-лаб ва ияк қатламларининг ифодаланганлиги, оғизни очиш даражаси, ўлчамлари аниқланган. Палпация оғиз бўшлиғи ва минтақавий лимфотугунларнинг юмшоқ тўқималарини ушлаб кўриш ва баҳолаш имконини берган.

Оғиз бўшлиғининг кўриги жағларнинг туташ ҳолатида оғиз даҳлизини ўрганишдан бошлаб, стандарт метод бўйича ўтказилган. СБК билан 2-типтаги ҚДга тиш қаторларининг нуқсонлари ва пародонт касалликларига эга беморларнинг қўшимча сўрови ишлаб чиқилган анкета ёрдамида ўтказилган.

Стоматоскопик тадқиқотларни ўтказиш учун ОМ-178 (РФ) операция микроскопидан фойдаланилган.

Рентген-денситометрик метод. Тадқиқотни бажариш давомида рақамли ортопантомограмма маълумотлари бўйича суяк тўқимасининг зичлигини аниқлаган ҳолда рентгенологик диагностика таҳлили ўтказилган. Рентгенологик тадқиқот Orthophos (Германия) XG 3 DS аппаратида ўтказилган.

Лазер доплер флоуметрияси. ОБШҚ шиллик қаватида микроциркулятор бузилишлар тадқиқоти ЛАКК-1 (РФ) қурилмаси ёрдамида лазер доплер флоуметрия (ЛДФ) функционал методи билан ўтказилган. Ўзгаришлар Люнд бўйича переферик фиброз соҳага олиб келган. Бу метод қон тўқимаси перфузияси катталигини ноинвазив ўлчаш, яъни тўқима ҳажмида найланадиган лазер нурида эритроцитлар оқимининг катталигини аниқлаш имконини берган, микроциркуляция бузилишларини диагностика қилиш ва пародонт тўқималарида ўзгаришларнинг характерини дифференсациялаш имконини берган. Аппарат 0,03 мм/с дан 6 мм/с оралиқда капилляр қон оқими кўрсаткичларининг аниқланишини таъминланган.

Тўқимада қон оқими тебранишлари орасида паст частотали, юқори частотали ва пуслели тебранишларни физиологик аҳамиятли сифатида кўриб чиқиш лозим. Микроциркуляция ҳолати капилляр қон оқимининг

даражасини характерловчи микроциркуляция кўрсаткичи (МК) бўйича баҳоланган; σ – параметр эритроцитлар оқимининг тебраниши (микроциркуляция интенсивлиги) ва вариациялар коэффициенти (Кв) – микромирларнинг вазомотор фаоллигини тавсифлайди.

М – микроциркуляция кўрсаткичи (МК) – капилляр қон оқимининг интеграл характеристикаси; эритроцитлар ҳаракатининг ўртача тезлиги, капилляр гематокрит кўрсаткичи ва функцияланаётган капиллярлар сонидан ҳосил бўлади.

LDF амплитуда-частота таҳлили (АЧС) маълумотларига кўра қон оқими модуляциясининг фаол механизмини тавсифловчи вазомоциялар (ALF/σ) даражаси, шунингдек тўқимада қон оқими модуляциясининг пассив механизмига тегишли бўлган тўқима қон оқимининг пулсли ва юқори частотали флукуацияси (ACF/σ) аниқланган.

Микроциркуляция тизимида тўқимада қон оқимини назорат қилишнинг самарадорлиги микроциркуляция самарадорлигининг индекси бўйича аниқланган (MSI). MSI микроциркуляция тизимида пассив ва фаол жараёнларнинг нисбати билан тавсифланади; уни тўқимада қон оқими тебранишларининг ритм нисбатларидан аниқлашади: $MSI = ALF/ACF + AHF$.

Сўлакда лизоцим ва sIgA ни ўрганиш. Сўлакда лизоцим фаоллиги Алиев Ш.Р. (1994) усули ёрдамида аниқланган. Текширилувчиларнинг сўлагиде секретор иммуноглобулин А (sIgA) Manchini (1964) бўйича радиал иммунодиффузия методи билан аниқланган.

Микробиологик тадқиқот методлари. Микробиологик тадқиқотлар протезлашдан олдин ва кейин ўтказилган. Бунинг учун оғиз суюқлигини стерил идишга олинган. Лабораторияда серияли эритилган, кейинчалик улардан маълум ҳажм олиниб микроорганизм турига мос келувчи зич озуқа муҳитларига экилган. Микроорганизмлар идентификацияси ва дифференциацияси Bergy's Manual Microbiology (1977) бўйича ўтказилган.

Тадқиқотнинг натижалари тиббий-биологик тадқиқотлар учун умумий қабул қилинган, Студент ва Фишер бўйича статистика методлар билан қайта ишланган. Ўрта арифметик сон (М), ўрта сон хатолиги (m), ишончлилик мезони (t) аниқланган. Барча тадқиқотлар шахсий компютерда тиббий-биологик тадқиқотлар учун махсус дастурлардан фойдаланиб ўтказилган. Тадқиқотларни ташкил қилиш ва ўтказишда далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига амал қилинган.

Диссертациянинг **“2-типдаги қандли диабетли сурункали буйрак касаллиги билан асоратланган беморларни ўрганишнинг клиник-инструментал жиҳатлари”** учинчи боби 2-типдаги ҚДнинг СБК билан асорали кечувининг клиник, рентгена-денситометрик ва тиббий-ижтимоий жиҳатларини солиштирма нуқтаи назардан ўрганиш натижаларининг таърифига бағишланган.

Олинган натижалар, 2-типдаги ҚДнинг СБК билан асоратланган ва асоратланмаган беморларда клиник белгиларнинг аниқланиши ўзаро фарқ қилганлигини кўрсатган (1-жадвал).

Олинган натижалар, назорат гуруҳининг маълумотларига нисбатан биринчи ва иккинчи гуруҳ параметрлари ошганлигини кўрсатган. Бу айниқса

ксеростомия (биринчи гуруҳда 96,0%, иккинчи гуруҳда 75,0%, назорат гуруҳида 10,0%); галитоз (мос равишда 76,0%, 46,2%, 30,0%), милкларда оғриқ (мос равишда 46,0%, 32,7%, 10,0%), сомалгиялар (мос равишда 36,0%, 23,1%, 0%) оғиз ва тилда ачишиш (мос равишда 36,0%, 25,0%, 0%), таъмнинг бузилиши (30,0%, 25,0%, 0%) ва оғизда металл таъми (мос равишда 40,0%, 19,2%, 0%) учраши таҳлил қилинганида аниқ намоён бўлган.

Шундай қилиб, 2-типдаги ҚДнинг СБК билан асоратланган беморларда оғиз бўшлиғи патологияларининг клиник намоён бўлиши 2-типдаги ҚДнинг СБК асоратланмаган беморлар ва назорат гуруҳидаги шахслар билан таққослаганда кўп учраши кузатилган.

1- жадвал

2-типдаги ҚДнинг СБК билан асоратланган ва асоратланмаган беморларда клиник белгилар аниқланишининг солиштирма кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Текширилган беморлар		
	Биринчи гуруҳ, n=50	Иккинчи гуруҳ, n=52	Назорат гуруҳи, n=30
Оғиз бўшлиғининг қуруқлиги (ксеростомия)	48/96,0	39/75,0	3/10,0
Оғиздан ёқимсиз ҳид (галитоз)	38/76,0	24/46,2	10/30,0
Милкларда оғриқ	23/46,0	17/32,7	3/10,0
Тил ва ОБШҚ оғриқлари (стомалгия)	18/36,0	12/23,1	0
Оғиз ва тилда ачиш	18/36,0	13/25,0	0
Таъмнинг бузилиши	15/30,0	13/25,0	0
Оғизда металл таъми	20/40,0	10/19,2	0
Милклардан қон кетиши	43/86,0	33/63,5	9/30,0
Тилда караш	28/56,0	26/50,0	6/20,0
Тишларда юмшоқ ажралмалар	18/36,0	17/32,7	7/23,3
Тишларда қаттиқ ажралмалар	21/42,0	12/23,1	6/20,0

Эслатма: суратда мутлақ, махражда нисбий (%) кўрсаткичлар

Бу эндокрин бузилишлар томонидан оғиз бўшлиғи суяқлигида глюкоза миқдорининг доимий ўсиши оқибатида углевод кўпайиши остида бўлганлиги ва сўлак безларида атрофик ўзгаришлар ривожланиши билан тушунтирилган. Бу сўлак таркибида биокимёвий силжишларга олиб келган, бунинг оқибатида эса сўлак ажралиши бузилган. СБК фонида суръат жадаллашмаган, натрий истеъмолининг ортиши, калий миқдорининг камайиши, II ангиотензин даражасининг ўсиши, плазмада карбамид миқдори ортиши сўлак ҳосил бўлишининг камайишига олиб келган. 2-типдаги ҚД дан азият чекувчи беморлар милкларидан қон кетишининг юқори фоизи микротомир тизимининг шикастланиши билан тушунтирилган, ангиопатия томир

эндотелийси, ОБШҚнинг шикастланиш хавфини оширган, милкларнинг битиш жараёни бузилган.

2-типтаги ҚДнинг СБК билан асоратланган ва асоратланмаган беморларда пародонт ва ОБШҚ патологияларини аниқланиш кўрсаткичлари солиштирма ўрганилганида худди шундай суръат кузатилган (2-жадвал).

Барча ҳолатларда биринчи гуруҳ беморларида нафақат назорат гуруҳи, балки иккинчи текширилувчилар гуруҳининг маълумотларига нисбатан пародонт ва ОБШҚ патологияларининг аниқланиши сезиларли даражада юқори бўлган. Бу айниқса сурункали умумий пародонтит (мос равишда 90,0%, 55,8%, 36,7%) гингивит (мос равишда 72,0%, 53,9%, 30,0%), сурункали рецидивли афтоз стоматит – СРАС (мос равишда 16,0%, 5,8%, 0%) ва замбуруғли (кандидоз) стоматит (мос равишда 22,0%, 9,6%, 0%) каби нозологик birlikлар бўйича кузатилган.

2- жадвал

2-типтаги ҚДнинг СБК билан асоратланган ва асоратланмаган беморларнинг оғиз бўшлиғи шиллик қавати ва пародонт патологиялари аниқланишининг солиштирма кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Текширилган беморлар		
	Биринчи гуруҳ, n=50	Иккинчи гуруҳ, n=52	Назорат гуруҳи, n=30
Уремик қиров	10/20,0	0	0
Хейлит	6/12,0	3/5,8	0
Иккиламчи адентия (йж/пж)	50/100	40/76,9	19/63,3
- тўлиқ	15/30,0	8/15,4	4/13,3
- қисман	35/70,0	31/59,6	15/50
Ангулит	16/32,0	10/19,2	2/6,7
Сурункали умумий пародонтит	45/90,0	29/55,8	11/36,7
Ўрта	32/64,0	22/42,3	10/33,3
Оғир	13/26,0	7/13,5	1/3,3
Гингивит	36/72,0	28/53,9	9/30,0
СРАС	8/16,0	3/5,8	0
КПЛ	5/10,0	1/1,9	0
Замбуруғли стоматит	11/22,0	5/9,6	0
Бактерияли стоматит	6/12,0	5/9,6	2/6,7

Эслатма: суратда мутлақ, махражда нисбий (%) кўрсаткичлар; юж – юқори жағ; пж – пастки жағ.

2-жадвалда келтирилган патологиялардан 5 нозология назорат гуруҳи шахсларида амалий жиҳатдан аниқланмаганлиги, қолган барча параметрлар биринчи ва иккинчи гуруҳ маълумотларига нисбатан сезиларли даражада пасайганлигини айтиб ўтиш лозим.

Шундай қилиб, 2-типтаги ҚДнинг СБК билан асоратланган текширилган беморларда (1-гуруҳ) пародонт ва ОБШҚ патологиялари 2-типтаги ҚДнинг СБК билан асоратланмаган беморлар (2-гуруҳ), СБК ва ҚД

касалликларига эга бўлмаган соғлом шахсларга (назорат гуруҳи) қараганда кўп аниқланганлиги белгиланган. Мазкур нозологик бирликларнинг учраши кўпинча 22,0-90,0% га етган. Ушбу факт, 2-типдаги ҚД оғиз бўшлиғи аъзоларининг ҳолати ва фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши, унинг СБК билан асоратланиш жараёнининг ёмонлаштиришини кўрсатган, бу беморларнинг мазкур тоифасини диагностика қилиш, даволаш ва стоматологик реабилитация қилиш бўйича тадқиқотларни давом эттиришга ундаган.

Кейин текширилган контингентда тишлар патологиясининг аниқланиши бўйича олинган натижалар таҳлил қилинган (3-жадвал). Олинган маълумотлар аввалги кўрсаткичлардан бироз фарқ қилган, чунки тишларнинг шикастланиш даражаси ўзаро кескин тафовутли бўлган.

3- жадвал

2-типдаги ҚДнинг СБК билан асоратланган ва асоратланмаган беморларда тишлар патологияси аниқланишининг солиштирма кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Текширилган беморлар		
	Биринчи гуруҳ, n=50	Иккинчи гуруҳ, n=52	Назорат гуруҳи, n=30
Гиперестезия	31/62,0	26/50,0	8/26,7
Кариоз шикастланишлар	46/92,0	45/86,5	15/50,0
Патологик қўзғалувчанлик	36/72,0	22/42,3	7/23,3

Эслатма: суратда мутлак, махражда нисбий (%) кўрсаткичлар.

Шундай қилиб, гиперестезия, тишларнинг кариоз шикастланиши ва патологик қўзғалувчанлиги барча текширилган беморлар ва соғлом шахсларда учраган. Биринчи ва назорат гуруҳи ўртасидаги фарқ биринчи гуруҳ фойдасига 35,3-48,7% ни ташкил қилган, биринчи ва иккинчи гуруҳ ўртасидаги фарқ эса ундан кам бўлган - 5,5-29,7%.

Тадқиқотларнинг кейинги босқичи 2-типдаги ҚДнинг СБК билан асоратланган беморларда ЛДФ усулида жағнинг протез қўндоғида микроциркуляциянинг ўрганилиши бўлган.

Протезлашдан сўнг беморларга ОБШҚ хоссаларини яхшилаш, яллиғланиш белгиларини камайтириш ва протезларга тез муддатда мослашувни таъминлаш мақсадида антисептик хоссага эга “ЛОРОБЕН” эритмасидан маҳаллий фойдаланишни ўз ичига олган комплекс даволаш маҳаллий қўлланилган. Шунингдек, биринчи ва иккинчи гуруҳ беморлари 20 кун давомида кунига 3 маҳалдан 50 мг дан ўрта терапевтик дозада дипиридамол қабул қилишган.

Беморлар ўтказилган ортопедик ёрдамга боғлиқ равишда қуйидаги гуруҳларга бўлинган:

Биринчи кичик гуруҳ – 2-типдаги ҚДнинг СБК билан асоратланган 27 нафар бемор, протезлашдан сўнг ОБШҚ кунига 3 маҳал “ЛОРОБЕН” антисептик эритмаси билан қайта ишланди.

Иккинчи кичик гуруҳ – 2-типдаги ҚДнинг СБК билан асоратланган 23 нафар бемор, анъанавий даволанган.

Назорат гуруҳини 30 нафар соғлом шахс ташкил қилган.

Олинган натижалар 4-жадвалда келтирилган.

Биринчи кичик гуруҳ беморларида протез майдони тўқималарининг қон билан таъминланиши тобора ёмонлашган. Бу капилляр қон оқими даражасининг 53% ва унинг интенсивлиги 44% га камайишида намоён бўлган, бу тўқималар трофикасининг пасайишидан гувоҳлик қилган. Бунга жавобан 17% га томирларнинг вазомотор фаоллиги ортган.

4- жадвал

2-типдаги ҚДнинг СБК билан асоратланган беморларнинг ЛДФ-грамма кўрсаткичлари

Гуруҳлар	ПМ, ш. б.	Kv, %	σ, ш. б.	MSI, ш. б.
1 кичик гуруҳ	10,87±0,58	12,11±1,15	1,21±0,06	1,38±0,04
2 кичик гуруҳ	10,85±1,23	10,79±1,05	1,03±0,01*	1,2±0,03*
Назорат гуруҳи	5,12±0,28*	14,07±1,27	0,67±0,07*	0,97±0,01*

Эслатма: *-ишончли фарқ даражаси

ЛДФ-граммларнинг амплитуда-частота таҳлили тўқималарда қон оқими фаол модуляция механизмининг сўндирилишини аниқланган, у LF- тўлқин кўрсаткичларини пасайиши ва HF- ва CF-тўлқин кўрсаткичларининг тушишида ифодаланган тўқималарда қон оқими пассив модуляциясининг роли камайишида ифодаланган. Барча ўрганилаётган ритмлар даражасининг пасайиши МСИ да ўз аксини топган, у 31% га камайган (5-жадвал).

5- жадвал

2-турдаги ҚДнинг СБХ асоратланиши мавжудлигига боғлиқ равишда беморларнинг ЛДФ-грамма амплитуда-частота спектрининг кўрсаткичлари (%)

Гуруҳлар	A	LF	HF	CF
1 кичик гуруҳ	52,7±5,25	46,85±4,9	21,79±1,87	13,63±1,82
2 кичик гуруҳ	51,39±5,42	44,94±4,55	21,79±1,87	13,63±1,82
Назорат гуруҳи	52,79±5,35	48,19±5,2	23,45±2,56	12,29±1,2

ЛДФ-грамма амплитуда-частота спектрининг кўрсаткичлари таққосланганида гуруҳлар ўртасида статистик ишончли фарқ олинмаган.

Шундай қилиб, 2-типдаги ҚДнинг СБК билан асоратланган беморларнинг жағларида гемомикроциркуляция кўрсаткичларининг таҳлили, протез қўндоғининг тўқималарида микроциркуляция даражаси сезиларли даражада пасайишини кўрсатган.

Протезлашгача беморларда ўтказилган тадқиқотлар олиб қўйиладиган пластиналар тиш протезининг организм билан таъсирлашуви вазоконстрикция ва томирларнинг эластик хоссалари ёмонлашиши ҳисобига микроциркуляция

пасайишида ифодаланувчи ОБШҚ томир тизимининг реактивлик ва мослашувчанлик имкониятларининг ўзгарган даража шароитида бошланишини кўрсатган. Тўқималарда қон таъминотининг ёмонлашуви ОБШҚ атрофиясининг даражасига пропорционал бўлган. Даволаш-реабилитация чораларини режалаштиришда томир оқими мослашув потенциали пасайишини эътиборга олиш лозим.

Милкда амплитуда-частота спектри морфометрик кўрсаткичларининг ўзгариши микроциркулятор бузилишларнинг объектив, ишончли, илмий асосланган баҳосини бериш, шунингдек патологик жараёнлар динамикасини ҳамда ушбу ҳолатларнинг патогенетик тузатилишига йўналтирилган даволаш-профилактика чораларининг самарадорлигини аниқлаш имконини берган ҳолда муҳим диагностика мезонлари ҳисобланади.

Функционал диагностика методлари ёрдамида белгиланган регионар томирларнинг морфометрик ҳолатида сезиларли ўзгаришлар, қон таъминотининг интенсивлиги ва яқин жойлашган тишлар микроциркуляцияси 2-типдаги ҚДнинг СБК билан асоратланган беморларда олиб кўйиладиган пластиналар тиш протезлари билан ортопедик стоматологик даволашнинг мақсадга мувофиқлигини илмий асосли тасдиқлаган.

Тадқиқотларнинг кейинги босқичида 2-типдаги ҚДнинг СБК мавжудлигига боғлиқ равишда беморларнинг жағ-юз соҳасида денситометрик тадқиқот натижалари таҳлил қилинган.

2-типдаги ҚДнинг СБК билан асоратланган суяк тўқимасининг яллиғланиш-деструктив жараёнларига эга шахсларда суяк тўқимасининг зичлиги ўрганилганида пастки жағнинг олд бўлимида суяк тўқимасининг зичлик қиймати - $29,00 \pm 7,45\%$ ни ташкил қилган. 2-типдаги ҚДнинг СБК билан асоратланганда яллиғланиш-деструктив жараёнларга эга беморларда суяк тўқимаси зичлигининг қиймати пастки жағ молярлари соҳасида назорат гуруҳи билан таққослаганда $35,02 \pm 7,46\%$ ни ташкил қилган.

